

6-22-2018

## ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION: AS AN INSTITUTIONAL FACTOR UNITING COUNTRIES

F.O Kuysinova

*Uzbek State University of World Languages*, fazilatflower@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

---

### Recommended Citation

Kuysinova, F.O (2018) "ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION: AS AN INSTITUTIONAL FACTOR UNITING COUNTRIES," *Bulletin of Gulistan State University*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 18.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2018/iss2/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

УДК 372.81:372.82

**ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ: ДАВЛАТЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ  
ИНСТИТУЦИОНАЛ ОМИЛ СИФАТИДА**

Ф.О.Кўйсина

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

**E-mail:** [fazilatflower@mail.ru](mailto:fazilatflower@mail.ru)

Замонавий халқаро муносабатлар халқаро институтлар ва тузилмаларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бориши билан характерланади. Мамлакатимиз ҳам мустақилликка эришганидан сўнг халқаро муносабатлар тизимида дунё ҳамжамияти ва халқаро тузилмалар билан турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЕХХТ, НАТО билан Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастури доирасида, шунингдек, бугунги кунда халқаро майдонда тобор нуфузи ортиб бораётган Ислом ҳамкорлик ташкилоти билан муносабатларни тобора ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

**Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар**

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг деярли 75 фоизи Ислом динига эътиқод қилишини, исломий урф-одатларнинг халқимиз маданияти ва турмуш тарзига тобора сингиб кетганлиги, ислом оламида бизнинг аждодларимиз томонидан яратилган буюк таълимотлар ва мероснинг ўта кадрланиши ва ҳоказо омилларни ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти билан муносабатларни янада юксалтиришга интилиши ҳам табиий. Шулар қаторида, 2016 йил октябрда Тошкент шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясини ўтказилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига мусулмон давлатларини бирлаштирувчи умумэътироф этилган форум сифатида қарайди (<http://www.uzlidep.uz/uzc/news/islom..>). Шу ўринда Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Ислом дунёсини ларзага келтирган воқеалар, яъни 1967 йилда Араб Исроил уруши ва 1969 йилда Қуддусда жойлашган Ислом дунёсининг учинчи қадамжоси ҳисобланган Ал-Ақсо масжидининг бир гуруҳ сионистлар томонидан ўт кўйилишига жавобан 1969 йилнинг 25 сентябрида Марокаш пойтахти Работ шаҳрида Мусулмон мамлакатлари раҳбарларининг биринчи учрашуви ташкил этилди. Мазкур учрашувда Саудия қироли Файсал бин Абдул Азиз Ал Сауд ва Марокаш подшоси Ҳасан II ташаббуси билан Ислом конференцияси ташкилотини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди (Сидорова, 2009).

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили**

Ислом Конференцияси ташкилоти объектив, тарихий, ижтимоий, мафкуравий, иқтисодий, маданий ва сиёсий шароитлар оқибатида, шунингдек, мусулмон давлатларининг саъй-ҳаракатлари натижасида вужудга келган халқаро ташкилотдир. 1969 йилдан буён Ислом конференцияси ташкилоти сифатида фаолият юритган ташкилот 2011 йил 28 июнда Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида ўтказилган Ташқи ишлар вазирларининг 38-сессиясида Ислом ҳамкорлик ташкилоти бўлиб ўзгартирилди.

Ислом конференцияси ташкилотини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни ўта мураккаб бўлиб, Ислом давлатларида мустамлакачиликнинг оқибатлари, давлатлардаги ривожланиш даражаси ва ишлаб чиқаришнинг пастлиги, худудлар ўртасидаги сиёсий қарама-қаршилиқлар, кўп ҳолатларда қуролли зиддиятларга олиб келиши ташкилот фаолиятига жиддий таъсир кўрсатарди. Ташкилотнинг жадал фаолият юритиши, ўз хатти-ҳаракатларида бошқа маданиятларни ҳам ҳурмат қилиши ва бошқа кўплаб омиллар туфайли қисқа муддат ичида унинг глобал майдондаги таъсири ва обрў-эътибори ошди.

Ислом конференцияси ташкилоти тўрт қиътада жойлашган деярли бир ярим млрд. аҳолини ўз ичига олган 57 та давлат аъзоларидан иборат ягона сиёсий платформа бўлиб ([www.oic-oci.org](http://www.oic-oci.org)), катталиги яъни таъсир доираси жиҳатидан БМТ дан кейинги ўринда турадиган энг йирик халқаро ташкилот ҳисобланади. Ҳозирги кунда ИХТ муайян сиёсий ва ҳуқуқий ҳодиса (феномен) сифатида нафақат ислом балки бутун дунё ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ташкилотнинг асосий фаолияти ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва илмий соҳаларда мусулмон мамлакатлари ўртасида ҳамжихатлик асосида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ислом бирдамлигини таъминлаб, бутун дунё бўйлаб мусулмон дунёси масалалари билан шуғулланиш, халқаро майдондаги фаолиятини ўзаро ҳамжихатлик ва ҳамкорлик асосида ташкил қилиш, мусулмонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ташкилотга аъзо давлатларни ривожландирган мамлакатлар қаторига қўшилишига кўмаклашиш, улар ўртасидаги сиёсий муаммолар ва зиддиятларни олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган. Баъзи экспертларнинг фикрича, ИХТ мусулмон дунёсидаги муаммоларни ҳал қилиш борасида катта имкониятларга эга ташкилотдир (Хасанов, 1997).

ИХТ ҳузурида бир қатор ташкилотлар иш олиб боради. Ислом тараққиёт банки, Қуддус жамғармаси, Ислом савдо-сотик палатаси, Ислом пойтахтлари ташкилоти, Ислом бирдамлик қўмитаси, Таълим, фан ва маданият бўйича Ислом ташкилоти шулар жумласидандир. Уларнинг фаолиятини бош қотибият мувофиқлаштиради.

ИКТ нинг асосий мақсади – ижтимоий, иқтисодий, илмий ва маданий тадбирларни мувофиқлаштириштириб ислом бирдамлиги фаолиятини кучайтиришга кўмаклашиш, миллатчилик ва ирқий камситишларга барҳам беришдан иборат. Бундан ташқари, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, терроризм, экстремизм ва айирмачиликка қарши биргаликда курашиш ҳам ташкилотнинг асосий вазифалари сирасига киради. Барчага аёнки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида стратегик манфаатларини такомиллаштира бориб, дунёнинг турли жойларида ва айниқса, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйди.

Зеро, аъзо давлатлар ўртасида дўстлик ва бирдамлик ришталарини уйғунлаштириш, Ислом оламида юзага келган муаммоларни ҳал этиш,- давлатлар ички қонунларига ҳурмат билан ёндашиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аъзо давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига кўмаклашиш, ислом дини ҳақида турли ноҳақ ва ноҳўя маълумотларни бартараф қилишдан иборатдир. Шу маънода, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси 2016 йил октябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” номли нутқида шундай деган эди: “Бундай шароитда аъзо давлатларни мусулмон оламида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ишончли механизмларини, аъзо мамлакатларнинг долзарб масалалари юзасидан мулоқот қилиш учун ўзига хос майдон яратишга хизмат қиладиган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг роли ва масъулияти янада ортмоқда. Ташкилот мустаҳкам барқарорлик ва хавфсизликка, иқтисодий тараққиётсиз, ижтимоий хусусиятга эга муаммоларни ҳал этмасдан эришиб бўлмаслигини тушунган ҳолда фаолият юритаётганини биз юқори баҳолаймиз.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш, улар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, урушлар, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, тобора авж олаётган қарама-қаршиликларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган хавфларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади” (<http://uza.uz/oz/politics/o'zbekiston-respublikasi-prezidenti>).

ИХТ ўз олдида инсоният бошидан урушлар ва турли ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар хавфини бартараф этиб, абадий тинчликка, фаровон ҳаётга эришишдек улуғ мақсадни қўйган. Унинг республикамиз манфаатлари билан ҳамоҳанг асосий жиҳати, халқаро терроризм, диний экстремизм, миллий айирмачиликка қарши курашиш фаолиятида намоён бўлади. Сўнгги йилларда ташкилот доирасида ИХТга аъзо давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш, улар ўртасида илмий-технологик, таълим, фан ва маданият масалалари бўйича алоқалар, иқтисодий ҳамкорликка катта эътибор берилмоқда. Ўз навбатида, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳам Ўзбекистон билан етакчи давлатлардан бири сифатида ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Бунинг асосий сабаблари, аввало, давлатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳияти ҳамда барқарор ривожланиш йўлидир. Қолаверса, Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамда глобал хавфсизликни таъминлашдаги сиёсий позицияси, минтақада ва жаҳонда тинчликни

таъминлашда ҳисобланади. Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш, улар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, урушлар, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тобора авж олаётган қарама-қаршиликларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган хавфларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади (<http://uza.uz/oz/politics/o'zbekiston-respublikasi-prezidenti>).

Ўзбекистон бир қатор умумбашарий муаммоларга ечим топишда ИХТнинг етакчилик ролини ҳамиша эътироф этиб келган. Шу боис халқаро муносабатларда аъзо давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш, улар ўртасида илмий-технологик, таълим, фан ва маданият масалалари бўйича алоқалар, иқтисодий масалалар Ўзбекистон ва ИХТ ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари бўлиб қолади. Ўзбекистон ва ИХТ ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса тарзида айтиш лозимки, шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар кўпайиб бораётган бугунги кунда, айнан таълим ва маърифатнинг устувор жиҳатларини таъминлаш учун Ислом ҳамкорлик ташкилотининг гуманитар ва тинчликпарварлик фаолиятини янада ривожлантириш зарур. Шунингдек, аждодларимиз томонидан яратилган тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш муҳим аҳамият касб этади. Айни вақтда мусулмон олами ва жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнимизни янада мустаҳкамлаш, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш жараёнларида ҳам халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик бугунги куннинг энг муҳим талаби бўлиб қолаверади.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгашининг Тошкент шаҳрида бўладиган 43-сессиясига доир. <http://www.uzlidep.uz/uzc/news/islom-khamkorlik-tashkiloti-tashki-ishlar-vazirlari-kengashining-toshkent-shakhrida-buladigan>

Сидорова Е.В. Организация исламской конференции: потенциал развития и технологии политической деятельности в процессе институционализации нового мирового порядка/ Автореферат... канд.истор.наук.- Нижний Новгород, 2009.

For the materials on the Organization of the Islamic Conference, see the web site of the Conference at [//www.oic-oci.org/](http://www.oic-oci.org/).

Хасанов Р.К. Организация Исламская Конференция (ОИК) в новой системе международных отношений. / Дисс... докт. полит. наук. - Москва, 1997.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи <http://uza.uz/oz/politics/o'zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016>

#### **Аннотация**

### **ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ: ДАВЛАТЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ОМИЛ СИФАТИДА**

Ф.О. Қўйсинова

Мақолада Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва унинг халқаро муносабатлардаги ўрни, халқаро муносабатларнинг тобора мураккаблашуви ва кескинлашуви шароитида давлатлараро, мазҳаблараро этник муносабатларда ташкилотнинг фаолияти масалалари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** Геосиёсат, мафкуравий зиддиятлар, мазҳаб, сиёсий платформа, институционал, консолидация.

#### **Аннотация**

### **ОРГАНИЗАЦИЯ ИСЛАМСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА: КАК ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЙ ФАКТОР ОБЪЕДИНЯЮЩИХ СТРАН**

Ф.О.Куйсинова

В данной статье проанализирована роль Организации Исламского сотрудничества в

международных, межгосударственных, межэтнических и межэтнических отношениях в контексте все большей взаимозависимости и напряженности в международных отношениях.

**Ключевые слова:** Геополитика, идеологические конфликты, секты, политические платформы, профессиональная консолидация.

**Summary**

**ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION: AS AN INSTITUTIONAL FACTOR UNITING COUNTRIES**

F.O.Kuysinova

This article analyzes the role of the Organization of Islamic Cooperation and its role in international, interstate, inter-ethnic and inter-ethnic relations in the context of increasing interdependence and tension in international relations.

**Key words:** Geopolitics, ideological conflicts, sects, political platforms, professional consolidation.